

Сийрат 168-дарс. Ҳар бирингиз қўл остидагилари учун масъулдир



17:32 / 14.01.2022 4685

614. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: **«Ҳар бирингиз мутасаддидир ва ҳар бирингиз қўл остидагилари учун масъулдир. Имом мутасаддидир ва қўл остидагилари учун масъулдир. Эркак ўз оиласида мутасаддидир ва қўл остидагилари учун масъулдир. Аёл эрининг уйида мутасаддидир ва қўл остидагилари учун масъулдир. Ходим ўз хожасининг молу мулкида мутасаддидир ва қўл остидагилари учун масъулдир. Демак, ҳар бирингиз мутасаддидир ва ҳар бирингиз қўл остидагилари учун масъулдир».**

Ҳа, мен буларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитдим. Менимча, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эр киши отасининг молида мутасаддидир ва у ўз раиятига масъулдир. Ҳар бирингиз мутасаддидир ва ҳар бирингиз қўл остидагиларига масъулдир»**, ҳам деганлар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

615. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, адолат қилувчилар Аллоҳнинг ҳузурида нурдан бўлган минбарларда, Роҳман аzza ва жалланинг ўнг томонидадирлар. У зотнинг икки қўли ҳам ўнгдир. Улар ҳукмлари, аҳллари ва ўзлари эга бўлган нарсалар (бораси)да адолат қиладиганлардир»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

616. Ҳасан Басрийдан ривоят қилинади:

«Убайдуллоҳ ибн Зиёд вафотидан олдинги беморлигида ётган Маъқил ибн Ясор Мазанийни кўргани кирди. Шунда Маъқил: «Сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган ҳадисни сўзлаб бераман. Агар умрим борлигини билсам, айтмас эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қуйидагиларни эшитганман: **«Қайси бир киши муслмонлардан бир жамоага волий (ҳоким) бўлиб, уларнинг ҳаққига хиёнат қилган ҳолда ўлиб кетса, Аллоҳ унга жаннатни албатта ҳаром қилади»**.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

617. Адий ибн Амийра Киндий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидагини айтганларини эшитдим: **«Сизлардан кимни бир амалга тайин қилсагу, у биздан бирор игнами ёки ундан каттароқ нарсаними беркитса, Қиёмат куни уни келтириб беради»**, дедилар. Шунда ансорлардан бир қора киши

турди. Мен худди уни (ҳозир ҳам) кўриб тургандайман. «Эй Аллоҳнинг Расули, мендан амалингизни қабул қилиб олинг», деди. **«Сенга нима бўлди?»** дедилар. «Бундай, бундай деганингизни эшитдим», деди. **«Уни ҳозир ҳам айтаман. Сизлардан кимни бир амалга тайин қилсак, озини ҳам, кўпини ҳам олиб келсин. Улардан нима берилса, олади, нима берилмаса, олмайди»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан